

2011 3-сон

Жазони кучайтиришга ва оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларининг қўлланишига йўл қўйилмаслиги ҳақидаги жиноят процессуал қонун талаблари бузилганлиги сабабли апелляция инстанцияси судининг ажрими бекор қилинди.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг 2011 йил 22 февралдаги ҳукмига кўра, М. Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми «б» банди, 167-моддаси 2-қисми «а,в» бандлари билан Жиноят кодексининг 45-моддаси қўлланиб, Жиноят кодексининг 59,61-моддалари тартибида узил-кесил 3 йил муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган ҳолда 10 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига; Ж. Жиноят кодексининг 167-моддаси 2-қисми «а,б,в,г» бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли топилиб, 2010 йил 28 августдаги амнистия актининг 2-бандига асосан жазодан озод қилинган.

Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди апелляция инстанциясининг 2011 йил 20 апрелдаги ажрими билан ҳукм бекор қилиниб, жиноят иши қўшимча тергов юритиш учун қайтарилган.

Суднинг ҳукмига кўра, М. 2001 йилдан 2007 йил 14 мартга қадар масъул мансабдор шахс бўлгани ҳолда «Қорақалпоқэлектртармоқлари» ОАЖ Ақманғит филиали бошлиғи Ж.нинг фаолиятига раҳнамолик қилиб, Ж. томонидан растрата қилиш йўли билан талон-торож этилган Ақманғит филиали балансидаги умумий баҳоси 1.494.500 сўмлик трансформаторни пора тариқасида олиб, Нукус туманида жойлашган «Камарчина» МЧЖ ҚҚ иссиқхонаси ҳудудига ўрнатиб, электр тармоғига ноқонуний тарзда улатиб, 2007 йил февраль ойидан 2010 йил октябрь ойига қадар фойдаланиб, 7.467.724 сўмлик электр энергиясини талон-торож қилганликда;

Ж. Ақманғит филиали балансидаги умумий баҳоси 1.494.500 сўмлик 106-40/10-кВа русумли трансформаторни растрата қилиш йўли билан талон-торож қилиб, М.га пора тариқасида бериб, кейинчалик мазкур трансформаторни ноқонуний тарзда электр

тармоғига улатиб, 7.467.724 сўмлик электр энергиясини талон-торож қилганликда айбли деб топилганлар.

Жиноят процессуал кодексининг 494-моддаси талабига кўра, оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги муносабати билан ёхуд жазонинг енгиллиги учун жабрланувчи томонидан шикоят берилган ёки прокурор томонидан протест билдирилган ҳоллардагина ана шу асослар бўйича апелляция ёки кассация тартибида ҳукм бекор қилиниши ва иш янгидан судда кўриш учун юборилиши лозим.

Жиноят ишини апелляция инстанциясида кўришда қайд этилган қонун талабига риоя қилинмаган.

Суд ҳукмидан М. ва унинг ҳамоячилари апелляция тартибида шикоят келтириб, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланилганлиги ҳолати юзасидан қўйилган айбни инкор этишмай, М.нинг айбидан Жиноят кодексининг 210-моддаси 3-қисми «б» бандини чиқаришни сўраганлар.

Апелляция инстанция суди ишни кўриш жараёнида Жиноят процессуал кодексининг 494-моддаси талабларига зид равишда, суд ҳукми юзасидан прокурор томонидан протест билдирилмаган бўлса-да, М. ва Ж.га нисбатан оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш лозимлиги ҳақида асоссиз хулосага келиб, суд ҳукмини бекор қилган ҳолда жиноят ишини қўшимча тергов юритиш учун қайтариб, хатога йўл қўйган.

Шу сабабли Олий суд жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2011 йил 23 июндаги ажрими билан М. ва Ж.га нисбатан чиқарилган Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий суди апелляция инстанциясининг 2011 йил 20 апрелдаги ажрими бекор қилиниб, жиноят иши янгидан апелляция инстанциясида кўриб чиқиш учун юборилди ҳамда жиноят ишини апелляция инстанция судида кўрган судьяларга нисбатан хусусий ажрим чиқарилди.

Назорат иши ЖСХ-160-11

